



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 18 июль, № 142 (4805)

Шанба

«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига


Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!
Сиз ва Ўзбекистон халқини икки муҳим сана — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва унинг пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонлаши муносабати билан муборакбод этиш менга катта мамнуният бахш этади. Ушбу муҳим воқеалар муносабати билан Сиз ва Ўзбекистон халқига ўзимнинг самимий кутловларим ҳамда энг эзгу тилакларимни ихдор этишга ижозат бергайсиз. Мамлакатингиз мустақилликка эришган дастлабки кунларидан жаҳон иқтисодиётига интеграциялашган кучли миллий иқтисодиётни шакллантиришни устувор йўналиш этиб белгилади. Сизнинг раҳнамолигингизда Ўзбекистон демократик ислохотларни амалга ошириб, жамиятни кенг миқёсда модернизация қилмоқда. Кейинги ўн йил давомида Ўзбекистон давлат бюджети харажатлар қисмининг 50 фоиздан ортиги ҳар йили ижтимоий эҳтиёжларга, жумладан, барча фуқароларга бепул тиббий хизмат кўрсатишга, умумий таълимга, кексалар, хотин-қизлар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш дастурларига йўналтирилган ва сарфланаётгани ҳақидаги маълумотлар мени қувонтиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳар доим минтақада халқаро ҳамкорликни, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида изчил ва фаол сиёсат юритиб келган. Ўзбекистон жадал ривожланаётган давлатнинг ёрқин намунасидир. Бу мамлакатингизнинг барқарор ривожланиши, глобал ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида БМТ билан фаол ҳамкорликда ҳам яққол намён бўлмоқда. Айниқса, Сиз, Жаноби Олийларининг илк бор Бош ассамблеянинг 1993 йилдаги сессиясида эълон қилинган Марказий Осиёда ядродан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусингизни тўлиқ қўллаб-қувватлашдан мамнунман. Сиз ва Ўзбекистон халқи ушбу ташаббуснинг рўёбга чиқишида эришган муваффақиятларингиз билан ҳар қанча мактовга сазоворсиз. Мазкур ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш борасида барча қўшни мамлакатлар билан бошланган яқин ҳамкорлик натижаси жорий йилнинг 21 мартда кучга кирган Шартномада ўз ифодасини топган.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мен хаёлан ҳамиша Ўзбекистон халқи билан биргача, зеро, яқинда қарий уч миллион аҳоли яшайдиган ажойиб пойтахтингизнинг 2200 йиллик юбилейни кенг нишонлайсиз. ЮНЕСКО Бош конференцияси ўзининг 34-сессиясида Тошкентни Марказий Осиёдаги энг йirik мегаполис сифатида эътироф этиб, унинг 2200 йиллигини байрам қилиш тўғрисида резолюция қабул қилди. Тошкент бутун минтақани иқтисодий, сиёсий, илмий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Тошкент халқлар ва давлатлар ўртасида тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб қолаётганининг гувоҳи бўлиш менга мамнуният бағишлайди. «Тошкент — Шарқ дарвозаси» деб бежиз айтилмаган, мен бу машҳур иборага тўла-тўқис кўшиламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Мигель д'Эското БРОКМАН,
БМТ Бош ассамблеяси Раиси.



Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашнинг муҳим омилidir

Ўзбекистон мустақиллик йилларида нафақат энг кўп пахта хом ашёси етиштирувчи, балки катта ҳажмдаги пахта қайта ишланадиган sanoat марказларидан бирига ҳам айланиб бормоқда, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Зотан, Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида ҳар йили пахтани қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар қад

росламоқда. Улар хоризнинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланаётгани ташқи

бозорга рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш имкониятини вужудга келтирляпти. Жиззахдаги «Зилолатекс» ҳиссадорлик жамияти — шундай корхоналардан бири.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: жамият бош муҳандиси ўринбосари А. Маҳмудов, тўқувчилар Н. Абдуллаева ва М. Боймуродова. **Б. АКРАМОВ олган сурат.**

ЎЗБЕК АВТОМОБИЛЛАРИ

жаҳон бозорига ҳам, мамлакатимизда ҳам харидорларга манзур бўлмоқда



Мамлакатимизда Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб узоқни кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараси барча соҳаларда кўлга киритилаётган муваффақиятларда яққол намён бўлмоқда.

гуру ва фахр туйғуларини

то қўшма корхонаси» фойдаланишга топширилган

эди. Ҳозирги «GM Uzbekistan»

қўшма корхонасида ишлаб чи-

лан 1996 йил 19 июлда қарилаётган энгил-машиналар

Асака шаҳрида «ЎЗДЭУав-

налар ҳар томонлама

қулайлиги ва тежамкорлиги, хавфсизлиги билан халқаро стандартларга тўла жавоб бераёттир.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, ўтган ўн уч йил завод аҳли учун ҳақиқий юксалиш даври бўлди. Бу ерда дастлабки йили 25 мингта машина ишлаб чиқарилгани, жорий йилнинг олти ойида эса бу

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

РОМИТАН туманидаги «Индиктекстиль» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган сочик ва газламалар тобора харидорларга бўлиб бораёпти.

Экспорт салмоғи ортмоқда

Етмишдан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилаётган корхона жорий йилнинг ўтган даврида 141 минг АҚШ доллари миқдориндаги маҳсулотни хоризга сотди. Йил охиригача экспорт салмоғини 400 минг АҚШ долларига етказиш мўлжалланапти. Шу билан бирга, айти кунларда корхонанинг гул босиш ҳақида модернизация ишлари олиб бориляпти.

Жамоа мутасаддиларининг таъкидлашича, бу линия ишга тушиши билан маҳсулот сифати янада яхшиланади.

И. ИБРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кичик корхона ишга тушди

КАРМАНА туманидаги «Зарафшон пахта сервис» масъулияти чекланган жамияти ойига 48 минг дона жўжа очирш қувватига эга инкубаторияни ишга туширди.

Шу кунгача ушбу кичик корхонада 12 минг дона жўжа очирлиб, Кармана, Конимех, Хатирчи ва Навбахор туманларидаги фермер хўжалиқларига етказиб берилди. Ҳозир бу ерда 12 нафар киши самарали меҳнат қилмоқда.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истеъмолчилар мамнун

Бу ерда тайёрланаётган, хоризниқидан қол-ишмайдиған бежирим ва сифатли кийим-кечаклар ички бозорда харидорини топмоқда. Шу боис

қиска муддатда аҳолига 10 миллион сўмлик маҳсулот сотилди.

Айтиш лозимки, қишлоқда корхона фаолият кўрсата бошлаши билан

50 нафарга яқин хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Изланишлар самараси

ПАХТАОБОД туманида тадбиркор Алишер Ваҳобов ташаббуси билан гўшти қайта ишлаш корхонаси ишга туширилди.

Шу кунгача бу ерда тайёрланган маҳсулот ҳажми 10 миллион сўмликка етди. Келгусида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб, тайёрланаётган маҳсулот тури 10 тага етади.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Бунёдкор» талабалар

«Бунёдкор» меҳнат отрядининг 9 та гурухи тузилди. Қарши давлат университети раҳнамолиги билан қишлоқдаги оромгоҳларида тарбиячилик қилишса, Қарши муҳандислик-иқтисодий институти ёшлари

олий таълим даргоҳи қошидаги қурилиш-монтаж унитар корхонасида, шунингдек, фермер хўжалиқларида ишлашади. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали талаба-

лари эса Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида алоқа тизимини ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшишга қарор қилишди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING MAJLISI TUGRISIDA AXBOROT

2009 йил 17 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари кўриб чиқилди ва жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика Ҳукуматининг жорий йил 13 февралдаги мажлисида белгилаб берилган 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришлар, ислох қилиш жараёнлари ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилиши ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Жаҳон молия-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислох қилишнинг бешта асосий тамойилини рўёбга чиқаришга асосланган пухта йўланган ва изчил ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши, шунингдек, инқирозга қарши чораларнинг ўз вақтида кўрилиши тўғрисида нафақат дунёнинг аксарият давлатларида кузатилаётган инфляция даражасининг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, савдо балансининг салбий сальдоси, инвестиция фаоллигининг суғайиши, ишсизликнинг ошиши, аҳолининг турмуш даражаси ва реал даромадларининг кескин пасайишининг олди олинди, балки иқтисодиётнинг барқарор, мувозанатли ва мустаҳкам ривожланиши таъминланаётгани қайд этилди.

2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 13,1 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 4,6 фоизни, хизматлар кўрсатиш 18,5 фоизни, қурилиш сўмлик имтиёзли кредитнинг ўсиши 32,5 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Аҳолининг реал даромадлари ўсиши 25,9 фоизни ташкил этди.

Мажлисда ҳозирги жаҳон иқтисодий инқирози шароитларида республикамизга боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра, қўллаб турдаги экспорт маҳсулотларига бўлган талаб ва нархлар кескин пасайган бир пайтда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига бўлган ички талабни, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, уй-жой қурилиши, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва мамлакатимиз корхоналари ўртасида кооперациялашув асосида товар етказиб беришни кенгайтириш ҳисобидан ошириш иқтисодий барқарорлигини қўллаб-қувватлашнинг муҳим омилга айлангани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қабул қилинган қарорига мувофиқ, жорий йилнинг январь-июнь ойларида умумий фойдаланиладиган халқаро ва давлат аҳамиятига эга автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш борасида 141 миллиард сўмлик иш ҳажми бажарилди. Қишлоқ жойларда 435 километр газ ва 839 километр сув қувурлари тармоқлари фойдаланишга топширилди, 2,9 миллион квадрат метр яқна тартибдаги уй-жой қурилди. Мелиорация ва ирригация объектларида қиймати 61,1 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. 233 умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилди, 196 касб-хунар коллежи ва 18 академик лицейни қуриш яқунланмоқда ва улар янги ўқув йилга қадар фойдаланишга топширилди. Барча жойлардаги аҳоли пунктларида ва магистраль автомобиль йўллари ёқаларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда, «Ўзавтотўл», «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз», «Ўзбекистон темир йўллари» компаниялари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлиги, Кенгаши, виллоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлиги республика аҳолисини ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан барқарор таъминлаш, йўл қурилиши, бошқа ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш, шу жумладан, аҳоли пунктларини, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш ва шу асосда қўшимча иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш топширилди.

Ички талабни кенгайтириш билан биргаликда экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар қўрилмоқда. Экспорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш учун тижорат банклари томонидан 81 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди, экспорт қилувчи корхоналарга қайтариб берилган қўшимча қиймат солиғи ҳажми 21 миллиард сўмни ташкил этди, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича, жарима ва пенялардан кечган ҳолда, электр энергияси, табиий газ етказиб бериш ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун қарийб 56 миллиард сўмлик қарздорлик рееструтуризация қилинди, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича жарима ва пенялардан кечган ҳолда, 54,5 миллиард сўм, 65 миллион доллар ва 8 миллион евро миқдордаги қарздорлик реструтуризация қилинди. Экспорт маҳсулотларини таннархига тенг бўлган, айрим ҳолларда таннархидан паст бўлган нархларда сотиш бўйича механизм қўлланилди. Қайд этилган чора-тадбирлар, шунингдек, экспортни янада диверсификация қилиш ва янги ташқи бозорларга қиқш экспорт дастури бўйича 13,4 фоизга ўсишни ва савдо балансининг қарийб 1,6 миллиард долларлик ижобий сальдосини таъминлади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш, шунингдек, иқтисодийнинг аграр сектори самардорлигини, биринчи навбатда, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни жадал ташкил этиш ҳисобидан ошириш, қишлоқ аҳолисини, энг аввало, ёшларнинг иш билан бандлик даражасини ўстиришни таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромадларини ва турмуши сифатини ошириш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда. Ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, мамлакатимизда фермерлар томонидан 6,6 миллион тоннадан зиёд галла йиғиб олинди. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш 12,4 фоиз, чорва моллари ва парранда 6,6 фоиз, тухум 15,3 фоизга кўпайди. Буларнинг барчаси аҳолининг озик-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини ишончли таъминлаш учун шароит яратди.

Маҳаллада Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг, иқтисодийнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг амалга оширилишини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этилдики, банк тизимининг инвестиция фаолиятини фаоллаштириш, энг муҳим инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш, қулай

инвестиция муҳитини яратиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмларининг 32,7 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришнинг 2,6 баравар ўсишини таъминлади. Ишлаб чиқариш инвестицияларига жами инвестициялар ҳажмининг 71,1 фоизи йўналтирилди.

Республикада ўтган ярим йилда иқтисодийнинг устувор тармоқларида янги қурилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган, янги экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган 667 та ишлаб чиқариш ва инфратузилма инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида 193 та янги ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, энгил саноатда ва тўқимачилик тармоғида 32, озик-овқат саноатида 67, қурилиш материаллари саноатида 78 объект ишга туширилди.

Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 95 анги турини ўзлаштириш, маҳаллийлаштирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 1,8 баравар ошириш, 708 миллион АҚШ долларини эквивалентига тенг миқдорда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш имконини берди.

Аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш энг муҳим ва асосий устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳисобот даврида 534,6 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 328 мингта янги иш

ўрни, корхоналар билан кооперация асосидаги қасанчилик соҳасида 52 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Мажлисда савдо тармоғида ва истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда товарлар захираларининг ҳолати танқидий таҳлил қилинди. Республика ҳудудларида ўтказилган ўрганишлар натижалари шуни кўрсатдики, айрим корхоналарда тайёр маҳсулотларнинг нормативдан ортиқча миқдорда тўпланиб қолишига йўл қўйилган. Шу муносабат билан тегишли тармоқлар, ҳўжалик бирлашмалари ва республика ҳудудлари раҳбарларига маркетинг ишларини тақомиллаштириш, маҳсулот сотишининг янги бозорларини фаол излаш ва ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва унинг танларини пасайтириш, маҳсулотларнинг нормативдан ортиқча қолдиқларига йўл қўймасликка йўналтирилган кўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Янги ўқув йили яқинлашаётганлигини инобатга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига, «Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмаси, «Матлуботсавдо» ҳудудий компаниялари ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига жорий йилнинг 20 июлидан бошлаб барча шаҳарлар ва туманлар марказларида, шунингдек, мактабларда, академик лицейлар ва касб-хунара коллежларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мактаб товарлари ва

ўқувчилар формаси сотиладиган ярмаркалар ташкил этиш топширилди. Ушбу мақсадда ташкил этилган республика комиссиясига ярмаркаларни уюшқоқлик билан ўтказиш, зарур мактаб анжомлари, дарсликлар ва ўқувчилар формаларининг ўз вақтида ишлаб чиқарилиши, етказиб берилиши ва сотилишини таъминлаш топширилди.

Иқтисодий вазирлигига «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмаси, «Матлуботсавдо» ҳудудий компаниялари, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда республикада мактаб товарлари ва ўқувчилар формаларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш асосида сифатли мактаб анжомлари ва ўқувчилар формалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, улар билан савдо корхоналарини узлуксиз таъминлаш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида, шунингдек, иқтисодий тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини келгуси куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ишларининг бориши муҳокама қилинди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Ўзтрансгаз», «Ўзбекэнерго» компаниялари, бошқа идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар раҳбарларининг иқтисодий тармоқларини, уй-жой фонди-

ни, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари комплексининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсан жавобгарлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига тураржой биноларида, шунингдек, ижтимоий мақсадларга мўлжалланган объектларда иссиқлик ва энергияни максимал даражада тежаш юзасидан жамоатчилик назоратини, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан назорат тизимини ташкил этиш ва жорий қилиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Шунингдек, қиш-баҳор даврида аҳолини қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг асосий турлари билан арзон нархларда қамоланган тарзда таъминлаш учун уларни зарур ҳажмларда галлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Республика Ҳукумати мажлисида кўрилган масалаларни муҳокама қилиш натижалари бўйича 2009 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий вазирларнинг дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎА).

Президентимизнинг биз, галлакорларга йўллаган табригини бутун жамоамиз зўр мамнуният, кўтаринки кайфият билан қабул қилдик.

ОМБОР ДОНГА, КЎНГИЛ

ШОДЛИККА ТЎЛДИ

Телевизорда табрикни тинглаётган-у, кўз олдидан ерга дон сепаётган тортиб, то ҳосилни йиғиштириб олгунча бўлган иш жараёналари ўта бошлади. Ахир унда бу йилги меҳнат машаққатларимиз бирма-бир тилга олинди. Жумладан, табрикда шундай дейилади: «Инсоннинг бўлиши дон экинларини ўстириш, табиий офат ва иқлим инжиқликларидан асраш ва ҳимоя қилиш, уларни парвариш этишда ҳар мавсумда учрайдиган минг битта қийинчиликни енгиб ўтиш, ҳар бир бошоқ устида парвона бўлиб, пишиб етилган ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш, қирмонга ва истеъмолчиларга етказиб бериш — буларнинг барчаси қандай оғир меҳнат ҳисобидан бўлиши ҳеч кимга сир эмас».

Чиндан ҳам, жорий йилда галла ҳосилини етиштириш осон бўлмади. Айниқса, Бухоро вилояти шароитида экин-тикин мавсуми ва баҳордаги ноқулай об-ҳаво бизни ўзига хос синовдан ўтказди. Ҳўжалигимиз ерининг бир қисми «Варахша» чўларинида жойлашган-да.

41 гектардан ортиқ майдонга бугдойнинг иқлим шароитимизга мос, касалликка чидамли нави-ни танлаб эканмииз катта наф берди. Ҳар гектардан ўртача 70 центнер-

дан ошириб ҳосил олдик. Натижада давлатга 123 тонна ўрнига 133 тонна сара дон сотдик. Ҳўжалигимиздаги 50 нафар ишчининг омбори донга тўлди, деганидир.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмаётгани, ишлашимиз учун барча шарт-шароитлар яратилмаётгани табиий қийинчиликларини мардонвор энгиб, ҳосилдорликни йилдан-йилга ошириш имконини бермоқда. Бу йил галлачилигимиз тарихида илк бор 6 миллион 610 минг тонналик қирмон бунёд этилгани, айниқса, бу тўлиқ фермерлар ҳиссасига тўри келгани таҳсинга лойиқ, албатта.

Бизнинг ҳўжалигимиз кўп тармоқли бўлиб, галлачиликдан ташқари, пахтачилик, чорвачилик ва паррандачилик билан ҳам шуғулланамиз. Айни пайтда галла ҳосилдан бўшаган ерларни сомондан тозалаб, шудгор қиламиз. Шу билан бирга, гўзага ишлов беришни жадаллаштиряймиз. Ниятимиз — пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштириб, жорий мавсумни барча соҳаларда ёруғ юз билан қуллаш.

Бахтиёр ОРИПОВ,
Пешку туманидаги «Жўра Нишод — 98» фермер ҳўжалиги раҳбари.

Дил сўзи

Чиндан ҳам, жорий йилда галла ҳосилини етиштириш осон бўлмади. Айниқса, Бухоро вилояти шароитида экин-тикин мавсуми ва баҳордаги ноқулай об-ҳаво бизни ўзига хос синовдан ўтказди. Ҳўжалигимиз ерининг бир қисми «Варахша» чўларинида жойлашган-да.

41 гектардан ортиқ майдонга бугдойнинг иқлим шароитимизга мос, касалликка чидамли нави-ни танлаб эканмииз катта наф берди. Ҳар гектардан ўртача 70 центнер-

дан ошириб ҳосил олдик. Натижада давлатга 123 тонна ўрнига 133 тонна сара дон сотдик. Ҳўжалигимиздаги 50 нафар ишчининг омбори донга тўлди, деганидир.

(ЎА).

Ўзбекистон галлакорларининг бугунги улкан меҳнат галласида 98 минг гектар сугориладиган ерининг ҳар гектаридан 53 центнердан ошириб ҳосил саранжомлаган сурхондарёликларнинг ҳам муносиб улуши бор.

ЗАҲМАТЛИ МЕҲНАТ СУРУРИ

Айниқса, биз, комбайн операторларининг йиғимтеримдаги хизматимиз Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган табригида алоҳида эътироф этилганидан бошимиз осмонга етди.

Жорий мавсумда экипажимиз 500 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олишга муваффақ бўлди. Бундай юқори унумга мавсумга аввалдан пухта тайёргарлик қўрганлигимиз туфайли эридик.

Комбайннинг 5 мингтадан зиёд ишчи қисми борлигини, айтилаётган, ҳаммамиз билан биргаликда, шулардан бир мурвати ёки узаткич механизми носоз бўлса, тамом, иш мезёри

ва маромига пугур етади. Шунинг учун машинани вақтида сифатли қилиб таъмирладик. Ҳатто, ўзини галласини ўришимиз лозим бўлган далалардаги экин парварини кузатиб боришдан, фермерлар билан маслаҳатлашиб туришдан эринмадик. Бизга бу ўрим-йиғим пайтида жуда кўл келди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг галлакорларимизга табригида айтилган сўзлар бизни анда катта ютуқларга даъват этмоқда. Негиз қувонмайлик? Эеро, ҳондонларимиз бугдойга тўлди, дастурхонимиз тўкин, юзимиз ёруғ бўлди.

Чори ХУДОЙБЕРДИЕВ,
комбайн оператори.
Шўрчи тумани

Фахр

(Давоми. Боши 1-бетда).

курсатчи 90 минг 320 донани ташкил этганлиги буни яққол тасдиқлаб турибди. Кувончлиси, автомобиллар йил сайин мунтазам равишда тақомиллаштирилиб, харидорлар дидига, замон талабларига мослаштириб келинмоқда. Масалан, аввалги «Тико», «Дамас»,

ЎЗБЕК АВТОМОБИЛЛАРИ

жаҳон бозорида ҳам, мамлакатимизда ҳам харидорларга манзур бўлмоқда

«Нексия» русумли энгил машиналар сафига сўнгги йилларда «Матиз», «Ласетти», «Такума», «Эпика» ва «Каптива» сингари автомобиллар қўшилди. Уларнинг моделлари муттасил янгиликлар билан тўбора яхшилана бораётгани барчага манзур бўлмоқда. Айни пайтга келиб, машиналаримиз кўп давлатларга экспорт қилинаётгани шундан далолат беради.

Мутахассисларнинг фикрича, саноатдаги таркибий қайта ўзгартиришлар натижасида корхона модернизация қилинаётгани, Маҳаллийлаштириш дастури асосида кўп давлат корхоналарда завод учун бутловчи қисмларнинг ишлаб чиқарилаётгани ютуқлар олиши бўлмоқда.

Дарҳақиқат, ҳозир Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар хизматидан фойдаланмаётган бирор-бир маҳалла, қишлоқ ёки оилани топиш қийин. Улар халқимизнинг узогини яқин, оғирини энгил қилмоқда.

Буларнинг бари истиқлол берган имконият натижаси, мамлакатимиз тараққиёт сари юксалиб, халқимиз турмуш фаровонлиги тобора ошиб бораётганининг самарасидир.

Д. УЛУҒМУРДОВ.

ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ерда Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш мақсадида икки босқичли лойиҳа ишлаб чиқилган эди. Бугунга қадар унинг дастлабки муваффақиятли амалга оширилди. Натижада жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати ошиб, экспорт салоҳияти кенгайди. Жорий йилнинг биринчи ярмида қарийб 230 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан, 2250 донна халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилгани шундан далолат беради.



СУРАТДА: корхона ишчиси Гулноза Алиқулова.

биринчи босқичида тўқув қилиниши кўзда тутилган лион сўм кредит олиниб, цеҳи тўлиқ модернизация эди. Шу мақсадда 400 миллион сўм кредит олиниб, ҳиссадорларнинг яна шун-

ча сармоёси жалб этилди. Бу маблағлар эвазига Жаҳоний Корейдан 23 та энг замонавий тўқув машинаси олиб келиб ўрнатилди. Эндиликда бу ерда юқори унумли ушбу дастгоҳлар ёрдамида 110 тонна калава илдан 345 миллион сўмлик табиий мато ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Энг муҳими, 30 та янги иш ўрни яратилди.

Айни пайтда лойиҳанинг кейинги босқичини рўйга чиқариш ишлари жадал олиб борилапти. Бу жараёнда 400 минг АҚШ долларига хорижий замонавий тикитиш машиналари келтирилади ва 210 ишчи ўрнига эга тикитиш цеҳи фаолият кўрсата бошлайди. Ана шунда ойига 600 миллион сўмлик трикотаж буюмлар тайёрланади. Бу ишлар шу йилнинг учинчи чорагида амалга оширилиши кўзда тутилгани диққатга сазовордир.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Маълумки, мамлакатимиз парламенти жамиятимизда қонун устуворлиги тамойилларини жорий қилиш, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислохотларни чуқурлаштиришга доир ҳуқуқий асосларни янада ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мустақил давлатимизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузини ошириш каби муҳим масалаларни ҳал этишда фаол қатнашиб келмоқда.

сифати ва самардорлигини ошириш, уни янада тақомиллаштириш имкониятлари кенгайди. Айни вақтда демократик ислохотларни чуқурлаштириш фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга, аҳолининг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда, сиёсий

эшикларини очди. Уларнинг ўз электорати олдигаги масъулиятини қучайтирди. Муҳими, мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий фаоллик доираси янада кенгайиб, ўз хоҳиш-иродаларини вакилларни орқали ифода этишмоқда.

Буни Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларининг

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Бунда, албатта, Президентимиз раҳнамолигида парламент ислохотларининг амалга оширилгани муҳим аҳамият касб этди. 2008 йили парламентда икки палатали парламент шаклига ўтирилиши Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ҳокимиятнинг тақсимланиши принципини янада кенроқ жорий этишга хизмат қилди.

Бундан ташқари, парламентнинг ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳам алоҳида таъкидланган эди.

Дарҳақиқат, икки палатали парламентнинг афзаллик жиҳатлари кўп. Илҳомини, қонун ижодкорлиги жараёнида икки палатали парламентнинг популизм, лоббизм ва конъюнктураддан халос этилган қўшимча

фильтр вазифасини ўтайди ҳамда парламент ва ҳукумат вазифалари аралаштиришнинг олдини олади. Қолаверса, қонунчилик ҳудудлар таъсирини қучайтиради. Уларнинг парламентдаги манфаатларини самарали ҳимоя қилиш тизимини юзага келди. Энг муҳими, фуқароларга парламент томонидан қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари юзасидан ўз хоҳиш-иродасини тўлиқ ифода қилиш имконияти яратилди.

Умуман, икки палатали қонунчилик институтининг жорий этилиши давлат ва жамият қурилиши, суд ҳуқуқ, иқтисодий ва ҳаётимизнинг бошқа соҳаларида амалга оширилган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди. Ҳусусан, қонун ижодкорлиги жараёни ва технологиялар тубдан ўзгарди, амалдаги қонунлар ижро-

партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда ролини қучайтиришга хизмат қилди. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонунни ушбу мақсадларни амалда рўйга чиқаришга ҳуқуқий замин яратди. Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишининг асосий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган маъзур ҳужжатлар давлат бошқаруви ва жамият ҳаётида сиёсий партияларга кенг имконият

созлади. Уларнинг ўз электорати олдигаги масъулиятини қучайтирди. Муҳими, мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий фаоллик доираси янада кенгайиб, ўз хоҳиш-иродаларини вакилларни орқали ифода этишмоқда.

Бундан ташқари, парламентнинг ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳам алоҳида таъкидланган эди.

Ислохот

вакилларнинг ҳуқуқий замин яратди. Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишининг асосий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган маъзур ҳужжатлар давлат бошқаруви ва жамият ҳаётида сиёсий партияларга кенг имконият

созлади. Уларнинг ўз электорати олдигаги масъулиятини қучайтирди. Муҳими, мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий фаоллик доираси янада кенгайиб, ўз хоҳиш-иродаларини вакилларни орқали ифода этишмоқда.

Бундан ташқари, парламентнинг ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳам алоҳида таъкидланган эди.

Дарҳақиқат, Президентимиз сўзлари билан айтганда, парламент, бу — жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш-иродаси, эъзу мақсадларини муҳимасдан эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонди. Улар бирон-бир янгиликни биз парламент миёнбаридан эшитдик, деб ўз қишлоғи ёки маҳалласида гапириб юрса, шундагина депутатлар ишонинг самараси, таъсири сезилди. Умуман, депутат дегани доимо ўз сайловчиларининг ташвиш ва муаммоларини билан яшаши керак. Парламентимизда ҳаётдан ислохотлар, аслида, мана шу олий мақсад, вазифани рўйга чиқаришга қаратилган.

Маъруфжон ОТАЖОНОВ,
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Тайёргарлик вақтидаги бахтсизлик

Франциянинг Марсель шаҳрида хонанда Мадоннанинг концертига тайёргарлик қўрилайётган вақтда бахтсиз ҳодиса содир бўлди.



Гап шундаки, тадбир учун қўрилайётган сахнанинг кулаб тушгани оқибатида икки нафар икки халок бўлган, саққиз киши турли даражада тан жароҳати олган. Шикастланганлардан беш нафарининг аҳоли оғирлиги айтилмади.

Чекиш тақиқланади

Туркияда эртадан бошлаб жамоат жойларида чекиш тақиқланади.

— Уйлашимча, бундан фақат тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар зарар қўриши мумкин, — дея айтиб ўтган мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Реджеп Абдул.

Эслатиб ўтамиз, бу борадаги қонун Туркия парламенти томонидан 2008 йилнинг январь ойида қабул қилинган. Ушбу ҳужжатга кўра, кафе-барлар, рес-

торанлар, турли кўнгилочар масканлар, шунингдек, жамоат транспортларида тамаки тутатиш ман қилинади. Бундан ташқари, тамаки маҳсулотларини реклама қилиш, уларни фильм ва клипларда кўрсатиш ҳам мумкин эмас.

Қонунни булганганга 3,7 минг АҚШ долларига жаримага тортилади.

Хиёбонга қулаб тушди

АҚШда унчалик катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради.

Бу ҳақда "Associated Press" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Хаво лайнери Лос-Анжелес шаҳри яқинидаги хиёбон ҳудудига қулаб тушган. Натижада унинг бортида бўлган уч киши ҳаётдан кўз юмди.



Ҳожира юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Суиқасд уюштирилди

Ингушетия спорт вазири Руслан Балаев ҳаётига суиқасд уюштирилди.

Мамлакат Ички ишлар вазирлигининг билдиришича, номаълум кимсалар вазир келаётган "Киа" русумли машинани ўққа туттишган. Натижада Балаев ва унинг ҳайдовчиси воқеа жойида ҳалок бўлган.

Айни пайтда жиноятчиларни қидириш ишлари олиб борилмоқда.

Ташкилотчилари номаълум

Жума куни Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида бир қатор қўпурувчилар ҳаракатлари амалга оширилди.



Хусусан, "Marriott" ва "Ritz-Carlton" номли меҳмонхоналарда юз берган портлаш натижасида тўққиз киши ҳалок бўлган. Кейинроқ пойтахт шимолида жойлашган савдо мажмуаси ҳудудига ҳам ҳунрезлик содир этилди. Машинага ўрнатилган портловчи қурилманинг ҳаракатга келтирилиши тўғрисида 50 киши жароҳатланган.

Хозирча мазкур қабиҳликларни ким уюштиргани номаълум.

Сарф-харажатлар қисқартирилди

Германиянинг миллий юк ташувчи авиакомпанияси "Lufthansa" молиявий-иктисодий инқироздан қишчи юзасидан махсус дастур ишлаб чиқди.

Манбада айтилишича, 2011 йилдан бошлаб компания сарф-харажатлар миқдорини қисқартириб, йилга миллиард евро сақлаб қоларкан. Хозирча компания ушбу режалар дастури билан оммани тўлиқ хабардор этгани йўқ.



Кузатувчиларнинг фикрига кўра, авиакомпания ҳодимлари сонини қисқартириш орқали бунга эришиши мумкин. Бундан ташқари, 2008-2014 йилларда самолётлар сотиб олиш дастури мuddати узайтирилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Жониворлар учун самолёт

АҚШда фақат ҳайвонларга хизмат қилишга мўлжалланган дунёдаги биринчи авиакомпания ташкил этилди, дея ёздаи "The Guardian" газетаси.



Илк парвоз шу йилнинг 15 июль куни муваффақиятли амалга оширилди. "Republic" аэропортидан кўтарилган "пўлат қанот" жониворларни ўз манзилига зийн-заҳматсиз етказган.

Қизғиш шундаки, компанияга аллақачон келгуси икки ойга режалаштирилган парвозлар учун ҳайвонлар ағаларидан буортмалар тушган. Кейинги рейслар Вашингтон, Чикаго, Денвер ва Лос-Анжелес шаттларига амалга оширилади. Авиакомпания хизматидан фойдаланувчилар битта чипта учун 149 доллар тўлашларига тўғри келади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳозирги кунда дунё оммавий ахборот воситаларида энг кўп муҳокама қилинаётган долзарб мавзулардан бири бўлиб қолди. Зеро, бу молиявий бўҳрон қисқа давр мобайнида жаҳон молия тизимининг барча

секторларини қамраб олиб, кўплаб давлатлар иқтисодийга турлича таъсир кўрсатди. Натижада, дунёнинг етакчи банклари банкрот бўлди, компаниялар ва фирмалар ўз фаолиятини вақтинчалик ёхуд бутунлай тўхтатди, миллионлаб одамлар ишсиз қолди.

ИНҚИРОЗ ВА ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИ

Албатта, ушбу инқироз халқаро ҳамжамият ва глобал молиявий-иктисодий бозорнинг бир қисми бўлган бизнинг давлатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Унинг иқтисодий тизимига таъсирини камайтиришда Президентимиз Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарини, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастури дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Мазкур китоб ва дастурда глобал молиявий-иктисодий инқирознинг сабаблари ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинган ҳолда, уни бартараф этиш бўйича бажарилиши керак бўлган ишлар ва чора-тадбирлар аниқ-равшан белгилаб берилган.

Мушоҳада

Оддий қилиб айтганда, бугун иқтисодийнинг инновационлиги, ишлаб чиқаришнинг илмийлиги (яъни илм-фан ютуқларини кенг жорий қилишга асосланган ишлаб чиқариш) ва ресурсларни тежашнинг самарали тизими инқироз ва ундан кейинги даврда иқтисодий тизимни ривожланишнинг асоси бўлиши керак.

Шу маънода, инновацион иқтисодий тизимда юртимизда мавжуд илмий салоҳият ва мамлакатимиз илмий ҳамжамияти етакчи ўринлардан бирини эгаллашни алоҳида таъкидламоқ жоиз. Айни пайтда олимлар олдида турган вазифа инновацион илмий ишланмаларни иқтисодийнинг турли тармоқларига кенг татбиқ қилиш, фан, технология ва иқтисодий ривожланишнинг уйғунлигини таъминлашдан иборатдир. Эътиборлиси, сўнгги йилларда республикамиз раҳбарияти рақобатбардош ва илмийлашган ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида фанимизнинг

риши, шубҳасиз. Сабаби, агар мамлакатимиз энг кўп қўёшли кунларга (бир йилда 300 кундан ортиқ) эга бўлган давлатлардан бири эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, жойларни иситишда кўёш коллекторларини ишлатишга ўтилса, бу иқтисодий ҳамда

энергетика тизимида катта ютуққа эришишга олиб келиши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши тўғрисида ҳозирги кунда ҳар бир илмий-тадқиқот муассасаси бир неча инновацион гоя ва лойиҳаларга эга. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлимида кейинги уч йил давомида ишлаб чиқилган наноструктурланган суюқлик асосида олинган иссиқлик узаткич, ўсимлик зараркунандаларига қарши восита, элемент базалари асосида ишловчи кўп функцияли тиббиёт диагностика комплекси ҳамда фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида тозаловчи восита сифатида ишлатиш мумкин бўлган каолин моддасидан турли соҳаларда фойдаланилмоқда. Эътиборлиси, бундай илмий натижаларга барча илмий-тектириш институтлари ва илмий марказларда ҳам эришилмоқда.

Ҳеч шубҳа йўқки, давлатимиз раҳбари асариде молиявий инқироз таъсирини камайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар иқтисодий тизимни ривожланишида дастур бўлиб қолади ва Ўзбекистон иқтисодиёти мустақкам давлатга айланиб, ривожланиётган мамлакатлар қаторидан ўзининг муносиби ўринини эгаллайди.

Даврон МАТРАСУЛОВ, Сирожиiddин МИРЗАЕВ, физика-математика фанлари докторлари.

ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти бўлими кенгаши ташаббуси билан пойтахтимиздаги сафарбарлик чакривуви резерви батальониде "Ҳарбий қисмда "Қамолот" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ихчам, тезкор ва ҳар жиҳатдан пухта тайёргарликка эга миллий армияни шакллантириш йўлидаги тўб исохотлар самараси ҳақида сўз юритилди. Ватанини кўз қорачиғидек асраш, унинг тинчлиги ва осойишталиги учун хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг шарофати бурчи экани таъкидланди. Мамлакатимизда миллий армиямизни ислоҳ қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилайётганини, ҳар қандай вазиятда Ватанини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Қучларимиз шакллантирилгани алоҳида қайд этилди.

— Тадбирдан қўзланган асосий мақсад ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда Қуролли Қучларимизнинг салоҳияти ва имкониятлари ҳақида тасаввур уйғотиш, ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ёшларни "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти билан янада яқинроқ таништиришдан иборат, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими масъул ходими М. Тошбоев. — Бугунги кунда армия сафларига хизмат қилиш йигитларимизнинг ҳақиқий шон-шараф ишига айланган. Ёшлар билан урчул ва сўбатлар чоғида бунинг яққол шохиди бўлмоқдамиз.

Тадбир таниқли хонандлар ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари ижросидаги концерт дастури билан якунланди.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

ФАН ВА ТЕХНИКА янгиликлари

«Азолла»нинг хосияти

"Ботаника" илмий ишлаб чиқариш марказида янги сув ўсимлиги — "Азолла"ни етштириш биотехнологияси ва уни гулчиликда қўллаш агротехнологияси ишлаб чиқилди.

Қўлланилган агротехнология минерал ўғитлар сарфини камайтириш ва сувнинг фавқулодда вазиятларга ҳамда шай турли. Чунки қишда қор, бошқа пайтлари тош ва тупроқ кўчиши ҳолатлари бўлиши мумкин. Бундай чоғда йўл зудлик билан тозаланимаса,

ларидан чиқадиган оқова сувларни тозалашда, ариқ ва зовур сувларини турли хил тўзлар ҳамда кимёвий бирикмалардан ҳоли этишда ҳам қўлланилади. "Азолла"ни республикамизнинг жанубий вилоятларида йил давомида ўстириш мумкин. Тажриба давомида сув ўсимлигидан фойдаланилган жойларда шолчи хосилдорлиги 2-3 центнерга ошганлиги кузатилган.

Тупроқ унумдорлиги ошади

Тошкент давлат аграр университети олимлари эрозияга учраган бўз тупроқларнинг унумдорлигини тиклашга қаратилган янги агротехнология тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқилди.

Ушбу агротехнология тадбир Сурхондарё вилоятида тажриба синовидан ўтказилганда, лалми ва бўз тупроқнинг физик ҳамда агрохимёвий хусусиятлари яхшиланди. Табақалаштирилиб берилган минерал ва органик ўғитлар бўз тупроқларда, қияликларда қузғи бугдойдан юқори хосил олишга имкон яратди.

Мазкур тажрибани республиканинг жанубий тоғолди ҳудудларида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқни эрозиядан ҳимоя қилиш, унумдорлигини ошириш ва биоген-ценозларни ҳимоялашда қўллаш тавсия этилмоқда.

«Дурдона»

Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтида мошининг истиқболли янги — "Дурдона" нави яратилди.

Тезлишарлиги жиҳатидан республикада ягона хисобланган ушбу ўсимликнинг дастлабки ҳосилини 40-45 кунда териб олиш мумкин. Уруғининг биологик пишиқ даври — 55 кунни ташкил этади.

Дуккаклари поясининг

О. ПАРИЕВ.

Йўллар. Ҳаётбахш қон томирлари мисол бепоён юртимиз бўйлаб қўзилиб кетган катта-кичик бу ришталар манзилларни бирлаштиради, элларни-элларга, дилларни-дилларга боғлайди. Истиклол шарофати билан юртимизда улар янада қўлайди, янгидан-янгилик бунёд этилди. Соҳадаги улкан лойиҳалардан бири — азиям пойтахтимиз ва бошқа ҳудудларни Фарғона водийси билан боғловчи "Тошкент — Ўш" халқаро автомобиль йўли ўз аҳамияти билан улар орасида алоҳида ажралиб туради. Тоғлар орасида муҳандисликнинг ноёб имкониятлари қўлланган ҳолда барпо этилган бу йўл ўзининг маҳобати билан Ватанимиз куч-қудрати, халқимизнинг азму шижоатидан ҳикоя қилади.

ДОВОН ЙЎЛИ — БУНЁДКОРЛИК ТИМСОЛИ

Чўққилари узра мовий булутлар сузиб юрган оқсон тоғлар тарихнинг не-не воқеаю ҳодисотларига гувоҳ. Улар яқиндагина чуқур дара ва жарликлар ёқасидаги ёлғизоёқ илонизи йўлдан охишта ўрмалаётган уловларни маъноси-на кузатиб қоларди. Бугунги манзара эса бутунлай бошқача. Қамчиқ довоми, унинг пурвигор тоғлари Юртбошимиз ташаббуси, бунёдкор элимизнинг эрк-ихтиёри билан қисқа фурсатда барпо этилган ҳашаматли йўл, ундан физ-ғиз ўтиб турган замонавий автотранспорт воситаларидан хайратта очган. Утган асрнинг охирида "Аср қурилиши" деб ном олган мазкур йўлнинг барпо этилиши водий вилоятлари ижтимоий-иктисодий ривожига ўзига хос жүшқинлик бағишлади. Энг аввало, масофалар яқинлашди, йўловчилар, халқ ҳўжалиги юкларини жуда оз вақт ичида манзилига етказиш имконияти яратилди. Айтайлик, Тошкентдан енгил машинага ўтирсангиз, узоғи билан уч соатда Наманган вилояти ҳудудига кириб борасиз.



Довон йўлининг Наманган вилояти ҳудудидан ўтган 69 километрик қисмига бизнинг корхонамиз хизмат кўрсатади, — дейди Қамчиқ махсус пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси бош муҳандиси Абдумўмин Каримов. — Қатнов мунтазамлиги, транспорт ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида биз билан бирга

гидрометеорология, ёнғин хизмати, кўриклаш ва фарқулодда вазиятлар сингари хизматлар ташкил этилган.

Йўлларнинг доимий созилиши таъминлаш, Қамчиқ довомида меҳнат қилаётганлар учун биринчи даражадаги вазифа. Давлат корхонасининг кўп сонли йўлсозлар ва замонавий техника воситалари билан мустаҳкамланган жамоасида бунинг уддасидан чиқиб унун куч ва имкониятлар етарли. Жумладан, иккита бетон узели, яна шунча асфальт тайёрлаш ускуналари тўла қувват билан ишлаб турибди. Техника саройи Япониядан келтирилган "Ниссан" ағдарма машиналари, "Қомачо" русумли текислаш воситалари билан тўдирилган.

— Вахта усулида ишлаймиз,

Ифтихор

Қамчиқ довоми, унда меҳнат қилаётган йўлсозларнинг ҳаёти шунақа тигиз. Бу ердан ўтаётган чоғингизда йўлнинг энг юқори қисмида — икки тунел орқали, денгиз сатҳидан 2268 метр баландликда жойлашган нуқтада тўхтаган ва атрафга бир назар солинг. Шунда табиатнинг бетакор манзаралари билан уйғунлашган кетган, инсон қўли, ақла-заковатининг махсули бўлиши улкан бунёдкорликка ўзингиз амин бўласиз.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

«ЎЗБЕКНЕФТАЗ» миллий холдинг компанияси «ЎЗНЕФТАЗКАЗИБЧИКАРИШ» акциядорлик компанияси ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ куйидаги ускуналарни сотиб олиш юзасидан 07/09-сонли тендер савдосини эълон қилади. Лот № 1. 50-80 тонналик электр юк кўтаргич (козловой кран) (Техник топшириққа мувофиқ кранни етказиш, жойида ўрнатиш ва тўлиқ ишга тушириб бериш шарти билан). Тендер мuddати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кун. Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, Шўртан кўрғони. Тел./факс: (998 75) 780-85-72, 780-87-74. Электрон почта: group_hr@sgcc.uz

ПП «CHIRCHIQ SHANXAY PLAST» НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ ДИАМЕТРОМ ОТ 16 ММ ДО 1 200 ММ ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ. Производит монтажно-укладочные работы. Скидки от объемов. Адрес: г. Чирчиқ, ул. Амира Темура, 22. Главной офис: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «АБЪЕЗЭК». Тел./факс: 241-70-06, 241-45-18, моб. 777-28-77, 995-18-99.

«O'zbekiston» телерадиоканали ДУК жамоаси Қорақалпоғистон Республикасида вилоят мухбирлари тармоғининг радиоканал бўйича муҳаррири Собира Бўлиевага асосан Тўхтади ЧУЛБИЕВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади. Тошкент тиббиёт академияси 3-кинликсаи жамоаси кўнлик маслаҳат поливинилхлорид мудир, соликни саклаш аълоини Рустам Азизбергенович АЛЛАБЕРГЕНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оғла аълоларини ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади. «NEFTGAZMEYOR» ОАЖ жамоаси бошқарув раиси К. К. Эрпазарова ўли. Шўртан Қамолончи ЭРИНЗАРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

БЕҲАД ХУРСАНДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони миқдорини ошириш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш билан қўшиб берилди.

Чунки, республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада мутасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маданий кўмакни таъминлаш мақсадида қабул қилинган ушбу ҳужжатга кўра, шу йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилади.

бўйича кўриладиган иш ҳақи 51 фоизга, аҳолининг реал даромадлари 23 фоизга ортиб, пировардида 2007-2008 йилларда республикамизда ўртача иш ҳақининг 2 баравардан зиёд қилиниши таъминланадиган бўлади.

Қаранг, ўтган йили бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кўп қисми давлатларни иқтисодига таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, бир сўз билан айтганда, аҳоли ҳаёт даражасининг ёмонлашувига олиб келётган бир пайтда мазкур Фармоннинг қабул қилиниши ҳақиқий инсонпарварлик ифодаси эмасми? Бу давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига янги йил табриқиди "Янги йил Ўзбекистон учун иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли даромадларини ва ҳаёт даражасини ошириш борада барча асосларимиз бор", деган сўзларининг ёрдамида амалга оширилади.

Мана шу **МАМАДАЛИЕВА, Қўноқ шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

БАРКАМОЛ ФАРЗАНДЛАР — ЭЛ БАХТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони миқдорини ошириш билан қўшиб берилди.

Навоий вилоятида 198 та мактабга таълим муассасаси фаолият юритаётган бўлиб, уларда қарийб ўн тўққиз минг нафар ўқувчи таъбияланмоқда. Болажонлар йил давомида икки марта баҳолаш ва баҳолаш натижалари билан ҳамкорликда таълимнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида қўрилган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилганлигини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

бугун ҳудуддаги "Қувонч", "Қўнғироқча", "Турнахон" номи таълим-тарбия муассасаларининг махсус гуруҳларига таянч ҳаракат аъзолари шикастланган 2 дан 10 ёшгача бўлган 73 нафар бола қамраб олинган. Улар малакали педагог-мутахассислар бошчилигидаги турли тўғрақларга, саломатлик машғулоти ва спортга қўшилган.

Вилоятнинг бошқа кўп қисмида таълим муассасаларида ҳам ўзгаришлар соғломлаштириш даврида таълим-тарбия жараёни аниқ тизимга асосланган ҳолда олиб борилади. Хусусан, оромгоҳларда "Соғлом танда — соғ ақл", "Спорт кун", "Қоп-тоқлар байрами", "Қўш байрами", "Қаранг, биз қандай эчкиликми?", "Соғломжон — полвонжон" сингари мусобақалар мунтазам ташкил этилмоқда. Зотан, бу каби тадбирлар ёш авлоднинг иқтидор ва истеъдодини юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бу эса, ўз навбатида, соҳа мутахассисларидан ёш авлод саломатлигини муҳофаза этишга қаратилган янги иш услубларини амалиётга татбиқ этишни тақозо қилади.

Ҳамдам **ЭШОНҚУЛОВ**, "Халқ сўзи" мухбири.

Санъат — беқиёс қудратга эга. Зеро, ижодкорнинг юрак амри билан яратилган бетакрор асар қалбларга йўл топишга, кўнглиларда эзулик, инсонийлик, меҳр-муҳаббат ҳисларини қарор топтиришга қодир. Хоразмлик машҳур рассом, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Отаҳон Оллоберганов ҳам ана шундай нобб истеъдод, чуқур фалсафий мазмун-моҳият касб этган ижод намуналарини миллий санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлардан биридир.

Санъат

МҲИҚАЛАМ СЕҲРИ



— Агар рассом бўлмаганимда, ҳеч шубҳасиз, актёрлик касбини танлаган бўлардим, — дейди Отаҳон ака. — Негаки, театр санъати мени ҳамيشа ўзига мафтун этган. Бир неча йил бу муқаддас даргоҳда рассом бўлиб ишладим, саҳна асарлари учун декорациялар яратдим. Назаримда, мўйқалам соҳибини ҳам маълум маънода сценарий муаллифи, режиссёр ёхуд қаҳрамон руҳиятига кира олувчи актёрдан фарқ қилмайди. Чунки у ҳам воқелик яратади, инсоннинг руҳий ҳолатини, ички дунёсини рамазий ифода қилиш билан таъсир қилдириши, ички дунёсини рамазий ифода қилиш билан таъсир қилдириши, ички дунёсини рамазий ифода қилиш билан таъсир қилдириши, ички дунёсини рамазий ифода қилиш билан таъсир қилдириши...

нинг портрет жанрида яратган қаҳрамонлари табиийлиги, жонли нигоҳи, шижоати ҳасорати таъсир қилдириши билан таъсир қилдириши, ички дунёсини рамазий ифода қилиш билан таъсир қилдириши, ички дунёсини рамазий ифода қилиш билан таъсир қилдириши, ички дунёсини рамазий ифода қилиш билан таъсир қилдириши...

Кюдзо Като:

«ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ҲАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИГАН ЮРТ»

Япониянинг Соко университети археолог, профессор Кюдзо Като билан бўлган суҳбатларимизнинг биринчи қисмида у киши юртимиз ҳақида илқ фикрлар билдириб, Ўзбекистон бой тарихи, маданияти билан доғруғи дунёга таралган мамлакат, деган эди.

Аслида, жаноб Кюдзо салохиятли олим Баҳодир Турғунов билан бўлиб ўтган учрашувлари сабаб бизнинг юртга меҳр қўйган. Ушундан Турғунов 1989 йили қадимда туртта буюк империянинг бири саналган Қушон салтанати (милоднинг I-IV асрлари) пойтахти Далварзинтепадан топилган 3 та буддавий ҳайкални Япониянинг Наро шаҳрига олиб борган. Буни кўрган 67 ёшли Кюдзо суриштириб-нейтиб ўтирмай, ўзбек қадимшуносининг ўнгирини тутди. Бобою боболаримизнинг муқаддас хотирасига бўлган юксак эҳтиром сабаб, Далварзинтепадаги Будда ибодатхонасида ишлаш учун Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси билан шартнома тузди.

Эътироф

Кўрсатди. Ўзбек тилини, маданиятини, халқнинг урф-одатлари, қадриятларини ўрганди. Бу хизматлари муносиб баҳолашиб, Кюдзо Като Ўзбекистон Республикасининг

«Дўстлик» орденига сазовор бўлди. Термиз шаҳрининг фахрий фуқаролигига қабул қилинди. Яқинда Кюдзо Като 87 ёшга тулди. У сира қаридим, чарчадим деймайди. Ҳар йили бир марта Сурхондарёга келишни қанда қилмайди. Келганда ҳам соялаб-салқинлаб ўтиради, дейсизми, йўқ, асло! Ўзининг Далварзинтепадами, Қорабтепадами саклаб қўйилган тешасини, пичоғини кўлига олади-да,

— Далварзинлик биродарларим туғилган кунимга совға қилишди бўлсин, — дейди у киши шевасида гапириб ва болаларча қувониб, — шўр қиламан, тақдирим ўзбеклар билан боғланган. Бу халқ меҳмонга уйининг тўртини беради, юрагига бутун дунёни сиғдиради. Ўзбекистон эса жаҳон халқлари ҳавас қилса арсийдиган юрт. Менга шу заминнинг мусоффо ҳавосидан баҳра олиш насиб этганидан бахтиёрман. Пешона теримга қўшилиб бу тупроққа меҳрим синган, ахир!

Жаноб Катонинг ушбу самимий сўзларига қулоқ тутиб, она-Ватанга бўлган меҳримиз янада ошиб кетди...

Олимжон **УСАНОВ**, "Халқ сўзи" мухбири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



Навоийлик Аббос Аҳтамов эндигина ўн ёшга тулди. Шунга қарамай у шахмат бўйича кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган юртга эришди. Мамлакат миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда доимо муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

АББОС ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ

Хусусан, жорий йилнинг 23 январь — 2 февраль кунлари пойтахтимизда ташкил этилган Ўзбекистон биринчилигида Аббос Аҳтамов иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медали соҳиб бўлди ва навбатдаги Осие чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

— Аббос нафақат спортда, балки ўқиш, одоб-ахлоқда ҳам тенгдошларига ўрнатилган бўлмоқда, — дейди 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Фарҳод Мўминов. — Умид қиламизки, у Осие чемпионатида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилади.

Бахтиёр **АКРАМОВ** олган сурат.

ШАХМАТЧИМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА

Ўзбекистонлик гроссмейстер Рустам Қосимжонов Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида ўтказилган "Donostia" халқаро шахмат фестивалида муваффақиятли иштирок этди.

У кеча бўлиб ўтган сўнгги — тўққизинчи тур учрашувлари доирасида мусобақа пешқадами, америкалик Хикари Накамурага қарши донна суриб, дуранга эришди. Тўққизинчи турнинг қолган учрашувларида қуйдаги натижалар қайд этилди: Руслан Пономарёв (Украина) — Франсиско Вальехо (Испания) 1:0, Хулио Гранда (Перу) — Пётр Свидлер (Россия) 0,5:0,5, Сергей Мовсеян (Словакия) — Максим Васьев-Лаграв (Франция) 0,5:0,5, Пабло Сан-Сегундо (Испания) — Анатолий Карпов (Россия) 0,5:0,5.

Яқунда Хикари Накамура ва Руслан Пономарёв бир хил — 6,5 тадан очко жамғаришга муваффақ бўлишди. Фоллибни аниқлаш учун улар ўртасида қўшимча ўйин ўтказилди. Унда омад Накамурага қулиб боқди. Учинчи ўрин 5,5 очко тўплаган Пётр Свидлерга насиб этди. Ҳамюртимиз, ўн еттинчи жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов эса иккита ғалаба, олти дуранг натижа қайд этди, 5 очко жамғариб ва турнирнинг ўриндан жой олди.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Испанияда ўқув-ийгин машғулоти олиб бораётган футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-20) ўзининг дастлабки ўртоқлик учрашувини ўтказди.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ

ҒАЛАБАСИ

Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари маҳаллий "Select Barcelona" жамоасига қарши майдонга тушиб, 4:1 ҳисобида йирик ғалабага эришди. Терма жамоамиз аъзоларидан Кенжа Тўраев, Сардор Мирзаев, Фозил Мусаев ва Санъат Шихов гол муаллифлари бўлишди. Таъкидлаш лозимки, ўйиннинг ҳар икки бўлимида Убайдуллаев амалда икки таркибини ҳам синаб кўрди. Футболчиларимиз иккинчи назорат бўлимида "Perolada" клуби билан куч синашадилар. Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Испаниядаги йилгичи 23 июлга қадар давом этади.

О. ЗИЁЕВ.

ОБ-ҲАВО (18 июль)

Коракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади. «Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 37593 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида термалда ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Тижорат материалли
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.30 Топширилди — 02.30 1 2 3 4 5 6 8 9

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бурунов.
Мусаҳҳих — Х. Топшўжаев.